

9-30-2020

SPECIFIC FEATURES OF PROFESSIONAL COMPETENCE DEVELOPMENT OF FUTURE SPECIALISTS IN TECHNICAL DEPARTMENTS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Muksin Tadjievich Khodjiev
Gulistan State University, guldu-vestnik@umail.uz

Dilshod Azamatovich Eshnazarov
Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Khodjiev, Muksin Tadjievich and Eshnazarov, Dilshod Azamatovich (2020) "SPECIFIC FEATURES OF PROFESSIONAL COMPETENCE DEVELOPMENT OF FUTURE SPECIALISTS IN TECHNICAL DEPARTMENTS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Pedagogika

УДК: 371.13

SPECIFIC FEATURES OF PROFESSIONAL COMPETENCE DEVELOPMENT OF FUTURE SPECIALISTS IN TECHNICAL DEPARTMENTS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИ ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЛАЖАК МУТАХАССИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Ходжиев Муқсин Таджиевич, Эшназаров Дилшод Азаматович

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, IV-мавзе.

E-mail: guldu-vestnik@umail.uz

Abstract. Modernity is recognized as the main factor ensuring the development of education in the world, and the quality of education in educational institutions is of particular importance. Socio-economic, scientific and technical changes on a global scale presuppose the organization and management of the training system for future specialists on the basis of a modular approach and the development of the professional competence of future specialists in the higher educational institutions. At present, in the educational standards of developed countries, special attention is paid to the formation of global skills of students. Of great importance in this is the modernization of the content of existing education, image-building technologies, a system for assessing the results of assimilation on the basis of modular technology. On the basis of international pedagogical experience, an important place in the implementation of new pedagogical projects, the widespread implementation of innovative achievements in practice and raising the quality of education to a new level is occupied by the preparation of future specialists for professional activities. The article is devoted to the disclosure of the content of the development of professional competence of future specialists in the technical direction of the higher educational institutions, through the development of new paradigms of teaching the effective use of the didactic capabilities of information and communication technologies

Keywords: competence, professional competence, teacher's professional competence, teacher's methodical competence.

Аннотация. Современность признана основным фактором, обеспечивающим развитие образования в мире, при этом, качество образования в образовательных учреждениях имеет особое значение. Социально-экономические и научно-технические изменения в мировом масштабе предполагают организацию и управление системы подготовки будущих специалистов на основе модульного подхода и развитие профессиональной компетенции будущих специалистов технического направления вуза. В настоящее время в образовательных стандартах развитых стран особое внимание уделяется формированию глобальных умений обучающихся. Важное значение при этом имеет модернизация содержания действующего образования, образовательных технологий, системы оценки результатов усвоения на основе модульной технологии. На основе международного педагогического опыта, важное место в реализации новых педагогических проектов, широком внедрении на практике инновационных достижений и поднятии на новый уровень качества образования занимает подготовка будущих специалистов к профессиональной деятельности. Статья посвящена раскрытию содержания развития профессиональной компетенции будущих специалистов технических направлений вуза, посредством разработки новых парадигм обучения и эффективного использования дидактических возможностей информационно-коммуникативных технологий.

Ключевые слова: компетентность, профессиональная компетентность, профессиональная компетентность педагога, методическая компетентность педагога.

Кириш. Техник ва технологик жараёнларнинг шиддатли тараққий этаётган hozirgi даврда пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини талабаларга ўқитиш жараёнида техника йўналиши олий таълим муассасалари талабалари касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини ўқитиш методикасини назарий асослари, касбий компетенцияларини ривожлантириш муаммолари бўйича психологик-педагогик, илмий-методик адабиётларнинг таҳлили асосида ўқув фаолиятини мустақил бошқаришнинг механизмларидан фойдаланиш йўллари, олий таълим муассасларида бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришни таъминловчи ёндашувлар аниқланган ҳамда яратилган модулга мувофиқ бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини ўқитиш методикасини назарий асослари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган: таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш; олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш; ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш.

Мазкур жараён модулли ёндашув асосида бўлажак кадрларда касбий компетенцияларини шакллантиришнинг методик асосларини яратиш асосида янада ўз танолига эга бўлиши тадқиқот муаммосининг асосини ташкил этади.

Олий таълим жараёнида бўлажак мутахассисларни шакллантириш, ўзини-ўзи бошқариш асосида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва касбий шаклланганликни ташхислаш масалалари С.Й.Ахмадалиев, Ф.А.Адольф, Н.Н.Абакумова, А.А.Абдуқодиров, В.В.Гузеев, О.А.Козыревларнинг асарларида ёритилган [2], [4], [5], [6], [14], [19].

А.К.Маркова, А.В.Хуторский, Э.Ғозиев каби олимлар бўлажак мутахассисларни шакллантиришнинг руҳий асослари, руҳий олами, педагогик фаолият майллари каби муаммоларни тадқиқ қилишган.

Таълим жараёнида педагогик технология назариясидан фойдаланиш, мазкур назария моҳияти, тамойиллари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва мақсаднинг натижаланганлигини ўрганиш каби масалалар Ж.Г.Йўлдошев, Н.С.Сайдахмедов, Ў.Қ.Толипов, В.Г.Тимирясова ва бошқалар томонидан очиб берилган. [16], [29], [31].

Қўйилган муаммонинг назарий-амалий жиҳатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, модулли ёндашув асосида бўлажак кадрларда касбий компетенцияларини шакллантиришнинг методик асосларини яратиш муаммоси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти бўлган эмас. Замонавий таълим мазмуни бўлажак кадрларни касбий компетенциясини шакллантиришни, рақобатбардош кадр сифатида ўз тақомилига етишини тақозо қилмоқда. Шунга кўра, модулли ёндашув асосида бўлажак кадрларда касбий компетенцияларини шакллантиришнинг методик асосларини яратишни таъминловчи технологик тизимни ишлаб чиқиш ва уни олий таълим амалиётида қўллашга эҳтиёж сезилмоқда [26], [27], [29], [33], [34], [35], [38].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Касбий компетентлик – маълум бир касб эгасининг касбий фаолият билан боғлиқ вазифаларни бажара олиш қобилияти ва ундан самарали фойдалана олиш имконияти бўлиб, у шахсга хос кўплаб психологик хусусиятларга эга бўлишни тақозо этади.

А.А.Деркач томонидан касбий компетентликнинг таркибида касбий фаолиятдаги компетентлик, касбий мулоқотдаги компетентлик, мутахассиснинг ўз шахсини намоён эта олишидаги компетентлигини киритиш мумкин [13].

А.В. Хуторский таълим жараёни учун муҳим бўлган педагогнинг қуйидаги компетентлигини тавсифлайди:

1. Дунёқараш, қадрият ва ўзини англаш- ўқитувчининг дунёқараши, тасаввури ва қадрияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади.

2. Умуммаданий – миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш; мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш; оиласига, урф–одатларга ҳурмат; ижтимоий кўникмаларга эга бўлиш.

3. Ўқув ва билиш жараёни- ўқитувчининг мустақил билиш фаолияти, мантикий фикрлаши, ўқув-билув фаолиятини баҳолаши, билим ва кўникмасини таҳлил қила олиши.

4. Маълумотга эга бўлиш- педагогик фаолияти, ўз фанига доир маълумотларни эгаллаш кўникмаси.

5. Мулоқотчанлик- тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туриши.


6. Ижтимоий- фойдали меҳнат- оилавий муносабатлар ва масъулият, жамият ривождаги иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши. Иқтисодий ва ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиш.

7. Ўз устида ишлаши- жисмоний, маънавий, интеллектуал жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириб бориши, ҳиссиётини бошқариш. [34],[35].

XX аср бошида П.Ф. Каптерев алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Таълим жараёнидаги ўқитувчи шахси биринчи ўринда туради, педагогнинг бошқа хислатлари таълим натижаларига бўлган тарбиявий таъсирни оширади ёки пасайтиради...” [17].

Касбий компетентлик негизида қуйидаги сифатлар акс этади: 1.Ижтимоий компетентлик. 2.Махсус компетентлик (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион, коммуникатив компетентликлар). 3. Шахсий компетентлик. 4.Технологик компетентлик. 5.Экстремал компетентлик.

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Бундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлигини айтади:



1-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари (А.К. Маркова)

Педагогнинг касбий жиҳатдан ривожланиш даражасини қуйидаги шкала ёрдамида ҳам аниқлаш мумкинлиги педагог олим А.К.Маркова ишларида берилган [23].

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англаувчи компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

Бир қатор, хусусан, А.К.Маркованинг тадқиқотида педагогик компетентликнинг таркибий асослари қайд этиб ўтилган. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди.

Касбий ривожланиш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1.Ижтимоий компетентлик											
1	Ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларга эгалик										
2	Касбий мулоқот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик										
2.Шахсий компетентлик											
3	Доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										
4	Касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш										
3.Махсус компетентлик											
5	Мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш										
6	Одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик										
7	Мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик										
4.Технологик компетентлик											
8	Касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик										
9	Замонавий дидактик воситалар(техник воситалар, ўқув куроллари)дан фойдалариш малакасига эгалик										
5.Экстремал компетентлик											
10	Фавқулотда ҳолатларда (табiiй офатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										
11	Муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятларда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										

Бугунги кадрларнинг касбий компетентлиги фанга оид инновацион технологиялар, дарсни ташкил этишнинг замонавий шакллари, метод ва усулларидан хабардорлиги, педагогик фаолият жараёнида тўғри қарорлар қабул қилиш лаёқатига эгалиги билан белгиланади. [23].

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Мазкур тадқиқотда биз қуйидаги илмий фаразни илгари сурдик: Пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини модулли ёндашув асосида ўқитиш бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантириши асосий омили ҳисобланади; пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини ўқитиш жараёнида модулли ёндашув асосида бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришни таъминловчи воситаларни тўғри танлаш ва амалиётда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади; пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини ўқитиш жараёнида модулли ёндашув асосида олий таълим муасасларида бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг мантикий-тузилмавий модулини ишлаб чиқиш ҳамда бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантириш методикасини модулли ёндашув асосида такомиллаштириш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим бир шarti ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари фанини ўқитиш жараёнида олий таълим муассасаларида бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантириш босқичлари (мустақил олдиндан айта олиш, мустақил лойиҳалаштириш, мустақил таълим олиш) ўқув фаолиятини модулли ёндашувлар асосида ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади [32], [33].

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техника йўналиши бўйича малака талаблари, фан дастурларида турли даражали талабаларга мослаштирилган табақалаштириш асосида таълимни ташкил этиш тамойиллари мажмуасидан, изчиллик, узвийлик, тизимлилик, креативлик, рефлексив тамойиллари ҳақида талабаларда яхлит тасаввурни шакллантириш билан белгиланади.

Тадқиқотни шакллантирувчи босқичнинг мақсади бўлажак мутахассисларда касбий компетенцияни ўқитиш технологияси воситалари билан шакллантиришдан иборат бўлади.

Шакллантирувчи босқич вазифалари:

1. Олий ўқув юртининг таълим жараёнида касбий компетенцияни ўқув технологиясининг тажрибавий экспериментал синовини амалга ошириш.

2. Олий ўқув юртининг таълим жараёнида касбий компетентликнинг ривожланишига ёрдам берадиган психологик-педагогик шароитларни аниқлаш.

Мазкур босқич мақсадларини амалга ошириш учун маърузаларга материалнинг тизимли тақдим этилиши талаб этиладиган энг мураккаб мавзулар ажратилди. Баён этиш, асосан муаммовий руҳда бўлади. Касбий тайёргарлик фанлари блоки бўйича фанлараро боғланишларнинг аниқ ва батафсил аниқланиши технологиянинг ҳар бир модули бўйича талабаларнинг ўқитилганлик даражасини ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини берди. Семинарлар маърузаларнинг мантиқий давоми бўлади. Улар маърузали ўқитиш босқичларида ва талабаларнинг мустақил ишлари давомида олинган билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва батафсиллаштириш, уларнинг ўзлаштириш самарадорлигини ва сифатини текширишдан иборат бўлади. Семинар касбий ўқувларни эгаллаш ва курснинг мазмунини ўзлаштириш учун энг муҳим ва мураккаб масалаларни жамоавий муҳокама қилишдан иборат бўлди. Семинарларда баҳолаш ва мунозара руҳидаги чиқишлар рағбатлантирилди, улар талабаларда мустақил ва эркин фикрлаш, қаралаётган масалаларга шахсиятли-маънавий муносабатни ишлаб чиқишга ёрдам беради; талаба чиқишининг мазмундорлиги, жавобининг мантиқийлиги, тафсилотлар ва далиллар билан бойитилганлиги, тушунарли ва содда қилиб баён этиши баҳоланди. Семинар сўнгида гуруҳдаги ва ҳар бир талаба ишининг унумдорлиги, ўз ишларининг рефлексияси амалга оширилди.

Амалий машғулотларда талабалар қуйидаги касбий ўқувларни машқ қилишди: ўқув машғулотида методик саводли тайёрланиш, дидактик мақсадларни, вазифаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, ўқув машғулоти структурасини ажратиш, бўлажак техника йўналиши мутахассисини ўқитишнинг тегишли методлари, шакллари ва воситаларини, ўқув жараёнини баҳолаш, назорат қилиш ва коррекциялаш тизимини танлаш. Ўқув топшириқларининг кичик гуруҳларда бажарилиши бир-бирлари билан дўстона, инсоний ўзаро муносабатларни ўрнатиш зарурлигини тақозо этди.

Жуфт бўлиб ва микрогуруҳли (4–5 киши) ишнинг ташкил этилиши ва ҳар бир талабанинг фаолияти бўйича экспертларнинг тайинланиши, касбий ўйин вазиятининг яратилиши ўз фаолиятини ва хулқини рефлексиялашни ривожлантиришга йўналтирилди.

Лаборатория машғулотлари ГулДУ базасида ўтказилди. Уларнинг мазмуни тажрибали уста-педагогларнинг машғулотларини ёки видео-дарсларни кўриб чиқиб, кейин олий ўқув юрти базасида таълим жараёни доирасида муҳокама ва таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Ўқитувчи раҳбарлиги остидаги мустақил иш талабаларнинг машғулотларга тайёрланишлари доирасида уларнинг билиш фаолиятларини ошириш, эгалланадиган билимларни чуқурлаштириш, юзага келган бўш жойларни бартараф этишга қаратилди.

Бунда, шакллантирувчи эксперимент босқичида ўқитиш методлари ва шакллари билан муаммоли маърузалар, семинар-мунозаралар, аниқ педагогик вазиятларни таҳлил қилиш (шу жумладан, жорий назорат шакли), ўқув фани лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни омма олдида ҳимоя қилиш кабиларга кўпроқ эътибор берилди.

Ўқув машғулотларини амалий иш методи билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатиб ўтишимиз лозим. Бу мутахассисларни фаолиятли тайёрлаш асосларини амалга ошириш (Малакавий талаб материални таҳлил қилиш асосида) эҳтиёжи билан тушунтирилиб, у олий ўқув юрти

битирувчилари касбий компетентлигининг амалий ташкил этувчиси шаклланганлигининг асосий характеристикаларидан бўлган касбий ўқув ва малакалар даражасида тайёрлашни кўзда тутди. Яна таъкидлаш жоизки, бу вазифанинг ҳал этилишига ўқув фани лойиҳасини ишлаб чиқиш ёрдам берди, у бўлажак мутахассисларни тайёрлаш масалаларини ҳал этишга мотивацияли киришиш ва «билимлар» юкламасининг катта қисмини талабаларнинг мустақил ишлашларига кўчириш имконини берди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бўлажак техника йўналиши мутахассисининг касбий лаёқатлилигини шакллантириш доирасида шахснинг олий ўқув юрти таълими жараёнида индивидуал-психологик, интеллектуал имкониятларни унинг ўзи самарали амалга ошириши учун шароитлар яратилади. Экспериментнинг назорат босқичида олинган натижалар ҳам шундан гувоҳлик беради.

Экспериментнинг назорат босқичида шакллантирувчи эксперимент натижалари қайд қилувчи эксперимент натижалари билан таққосланди. Бунда яна талабаларнинг ўзларида касбий компетентлик шаклланганлигининг ўзлари баҳолашларидан ва ўқитувчининг экспертлик баҳосидан, шунингдек, фаолиятининг билиш ва касбий доираси мотивларини ўзи баҳолашидан фойдаланилди.

Шакллантирувчи эксперимент якунлари бўйича касбий компетентлик барча даражаларининг динамикаси ўқув фанини ўрганишдан кейин ҳам, педагогика коллежида ишлаб чиқариш амалиётидан кейин ҳам ижобий бўлганлиги аниқланди. Пассив даража умуман қайд этилмади. Паст даражадан ўртадан паст даражага ўтиш ҳисобига тақлидий даражада турган талабалар сони ошганлиги қайд этилди. Касбий компетентликнинг фаол-изланишли ва ижодий даражаларини намоён этган талабалар сони анча ортди, қайд қилувчи босқичда бундай талабалар бўлмаган эди (2-жадвал).

2-жадвал

Олий ўқув юртида ўқиш даврида талабалар касбий компетентлигининг шаклланганлик характеристикаси

Т.р.	Босқичлар	Бўлажак техника йўналиши мутахассисининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражалари							
		Пассив (А)		Тақлидий (В)		Фаол-изланишли (С)		Ижодий (Д)	
		Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
1	Қайд қилувчи	26	74,3	9	25,7	0	0	0	0
2	Шакллантирувчи	0	0	14	40	20	57,3	1	2,9
3	Назорат	0	0	6	17,1	26	74,3	3	8,6

2-жадвалдан кўриниб турибдики, синалган талабаларнинг 57,3% и касбий компетентликнинг фаол-изланишли даражасини, 2,9% и ижодий даражасини намоёиш этишди, шу билан бир вақтда, қайд қилувчи босқичда бундай даражалар қайд этилмаган эди. Ишлаб чиқариш амалиёти ўтилганидан сўнг тақлидий даражани намоён этган талабалар сони 40% дан 17,1% гача пасайганлиги далилини ҳам табиий деб ҳисоблаш лозим, шунинг ҳисобига фаол-изланишли даражани намоёиш этган талабалар сони 57,3% дан 74,3% гача кўтарилди.

Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш учун Вилкоксоннинг Т-критерийсидан ва Розенбаумнинг Q-критерийсидан фойдаланилди.

Тадқиқот доирасида ўтказилган тажриба-экспериментал ишнинг натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мақсадга мувофиқдир: биринчидан, олий ўқув юртида мутахассисларни анъанавий тайёрлаш модели билан таққослаганда бўлажак техника йўналиши мутахассисларида касбий компетентликни оширишга имкон бериб унинг назарий, амалий ва мотивация шакллари бирлигини таъминлаши, иккинчидан, талабаларнинг ўқув фани лойиҳасини ишлаб чиқиши ва химоя қилиши ва уни амалиёт жараёнида амалга ошириш имконияти олий ўқув юрти битирувчисининг касбий фаолиятни сифат жиҳатидан юқори даражада амалга оширишга тайёрлиги ва қодирлигини шакллантиришга ёрдам берадиган зарурий психолого-педагогик шароитлар яратиши амалда исботланди.

Хулоса

1. Касбий компетенцияларини ривожлантириш муаммолари бўйича психологик-педагогик, илмий-методик адабиётларнинг таҳлили асосида ўқув фаолиятини мустақил бошқаришнинг механизмларидан фойдаланиш зарурияти асосланган.

2. Олий таълим муассасаларида бўлажак техника йўналиши мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришни таъминловчи ёндашувлар аниқланган.

3. Бўлажак техника йўналиши мутахассисларини тайёрлашга бағишланган касбий компетенция ва психологик-педагогик тадқиқотларнинг таҳлили асосида техника йўналиши ОТМда касбий компетенция таърифи аниқланган.

4. Бўлажак кадрларнинг танлаган мутахассислик соҳаси бўйича нафақат техник билимлар, балки, юқори компетентликка эга иқтисодий, технологик ва маънавий тафаккурнинг интеграциялашган ҳолда мутахассис онгида шакллантириш ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки, ҳар қандай техника ва технологияларнинг ривожиди ҳам миллий кадриятларимизга таянган ҳолда давлатимиз ривожини учун тарихимизга бўлган ҳурмат, келажакимизга бўлган ишонч туйғуси билан яшаш билан бир қаторда ҳар бир инсонни олий кадрият эканлигини англаб етишида намоён бўлади.

5. Техника олий таълим муассасаларида талабаларга “Пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари” фанини ўқитишда алоҳида ўзига ҳослиги борлиги аниқланди ва бунинг ечими сифатида мазкур йўналишларда таълимни модулли ёндашувлар асосида ташкил этиш энг самарали ёндашув эканлиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. Абакумова Н.Н, Малкова И.Ю Компетентный подход в образовании: организация и диагностика // Научное издание. - Томск: Томский государственный университет, 2007. -368 с.
2. Абдуқодиров А.А. ва бошқ.Таълимда инновацион технологиялар. -Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180 б.
3. Абубакирова М.И, Вербицкая Н.О. Информационная компетенция инновационного специалиста: от читательской активности к профессиональной квалификации // Современные проблемы науки и образования. – 2013. – № 6. – 113 с.
4. Адольф В.А. Профессиональная компетентность современного учителя: Монография / КГУ, Красноярск, 1998. – 310 с.
5. Аҳмадалиев С.Й. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга мослаштириш илмий-методик асослари. Пед. фан. номз... дисс. –Т., 2008, –146 б
6. Аҳмадалиев С. Предметларро алоқадорлик характерли мустақил ишлардан фойдаланиш имкониятлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. – № 1. – 62-64 б.
7. Бабаходжаева Л.Г. Проектирование и реализация личностно адаптивной интеллектуальной системы обучения: Автореф. дис...канд. пед.наук. –Ташкент: ТГПУ, 2009. – 28с.
8. Богоусловский А.А., Хеглова И.Ю. ИТ-подготовка будущего учителя-предметника. // Ж. Дистанционное и виртуальное обучение. 2007. № 10. - с-60-66.
9. Болотов В. А., Сериков В. В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе // Педагогика. 2003.-№ 10. – С. 8-14.
10. Горбунова Т. В. Развитие проектно-технологической культуры педагога в системе непрерывного образования : монография // -Калуга: КГУ им. К.Э.Циолковского, 2010. – с.125 с.42.
11. Грейлих Н.Л. Развитие информационных компетенций педагогов общего образования: автореф. дис... канд. пед. наук: 13.00.08 //Екатеринбург, 2010.-18с., с.75- 78
12. Гузеев В.В., Романовская М.Б. Современные технологии профессионального образования: интегрированное проектное обучение. Ч. 1. //– М.: Издательский центр НОУ «ИСОМ», 2006. – 48 с.
13. Деркач А.А. (ред.). Психология профессиональной деятельности: Лекции в помощь преподавателю М.: Изд-во РАГС, 2004. – 342 с.
14. Иванов Д. А. Компетентность – это знания, означающие умение действовать // Директор школы. - 2009. – № 4. - С. 5-12. стр.6.
15. Исмоилова З.К. Талабаларнинг касбий-педагогик малакалари усулиятини шакллантириш. Пед. фан. номз... дисс. –Т., 2000, –130 б.
16. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 101 б.
17. Каптерев П.Ф.. Антология гуманной педагогики.. – М.:2001. -688 с.
18. Кива А.А. Дидактическое проектирование на основе компетентностного подхода: монография // М.: Академия профессионального образования, 2005. – 178 с., с. 17.
19. Козырева О.А. Компетентность современного учителя: современная проблема определения понятия // Стандарты и мониторинг в образовании. – 2004. – № 2. – с.48.

20. Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессионализм педагогической деятельности. – С.-Пб.: С.-ПбГУ., 1993. – 63 с.
21. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. – М.: Высшая школа, 2000. – 117 с.; с.47
22. Лукьянова М.И. Психолого-педагогическая компетентность учителя // Педагогика. – 2001. – № 10. – с. 56-61.
23. Маркова А.К. Психология профессионализма // М.:Просв.,1996.–192 с.
24. Митина Л.М. Личностное и профессиональное развитие человека в новых социально-экономических условиях // Вопросы психологии. – 1997. - № 4. – С. 28-38.
25. Муслимов Н.А. Касб таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. автор. – Тошкент: ТГПУ,2007. – 47с
26. Муслимов Н.А., Уразова М. Б. Формирование профессиональной компетенции будущих учителей посредством применения веб-квест технологии // Научное обозрение. – М., 2014. – № 1. – с. 9–14.
27. Пахалюк Р.А. Мониторинг профессиональных компетенций специалистов СПО.– Режим доступа:www.akvobr.ru/monitoring_professionalnyh_kompetencii_specialistov_spo.html.
28. Raximov B. Innovative Fctivity of Future Teachers as a Condition for Improving Stedents' Motivation for Learning a Foreign Language // V International Forum on Teacher Education. <https://www.re> Formation of social competence of primary school children by means of educational subjects. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020 . © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license (<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>) DOI: <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.05.42> searchgate.net/publication/337037941_Innovative_Activity_
29. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик тизимида тутган ўрни // Халқ таълими. – Тошкент, 1993. – № 6-7. – Б. 9-12.
30. Тимирязова. В.Г. Слагаемые профессиональной компетентности преподавателя вуза – Казань: Талигмат, 2001. – 112 с 133
31. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий қўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 168 б.
32. Ходжиев М. Improving of the technology of cleaning fibrous waste in cotton ginning plants. Science and Beyond Publishing UK. 2017. -№ 2/6. –Б. 43-47.
33. Ходжиев М. Fraction Structure of Cotton Cleaning Equipment in Cotton Enterprises and Their Cleaning Effectiveness. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol.6 Issue 1 (2019) –pp.
34. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования // Ученик в обновляющейся школе. - М.: ИОСО РАО, 2002.
35. Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты // Интернет-журнал.
36. Hawkrigde D. New Information. Technologyin Education. – London: Groom Helm, 1983. – 238 p.
37. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 184 б.
38. Эльконин Б.Д. Понятие компетентности с позиции развивающего обучения // Современные подходы к компетентностно ориентированному обучению. – Красноярск, 2002.

References:

1. Abakumova N.N, Malkova I.Yu Kompetentnostniy podxod v obrazovanii: organizatsiya i diagnostika // Nauchnoe izdanie. - Tomsk: Tomskiy gosudarstvenniy universitet, 2007. -368 s.
2. Abduqodirov A.A. va boshq. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. -Toshkent: Iste'dod, 2008. – 180 b.
3. Abubakirova M.I, Verbitskaya N.O. Informatsionnaya kompetentsiya innovatsionnogo spetsialista: ot chitatelskoy aktivnosti k professionalnoy kvalifikatsii // Sovremennie problemi nauki i obrazovaniya. – 2013. – N 6. – 113 s.
4. Adolf V.A. Professionalnaya kompetentnost sovremennogo uchitelya: Monografiya / KGU, Krasnoyarsk, 1998. – 310 s.
5. Ahmadaliev S.Y. Bo'lajak mehnat ta'limi o'qituvchilarini kasbiy-pedagogik faoliyatga moslashishining ilmiy-metodik asoslari. Ped. fan. nomz... diss. –Т., 2008, –146 b
6. Ahmadaliev S. Predmetlararo aloqadorlik xarakterli mustaqil ishlardan foydalanish imkoniyatlari // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2001. – № 1. – 62-64 b.

7. Babaxodjaeva L.G. Proektirovanie i realizatsiya lichnostno adaptivnoy intellektualnoy sistemi obucheniya: Avtoref. dis...kand. ped.nauk. –Tashkent: TGPU, 2009. – 28s.
8. Bogouslovskiy A.A., Xeglova I.Yu. IT-podgotovka buduhego uchitelya-predmetnika. // J. Distantionnoe i virtualnoe obuchenie. 2007. №10.- s-60-66.
9. Bolotov V. A., Serikov V. V. Kompetentnostnaya model: ot idei k obrazovatelnoy programme // Pedagogika. 2003.-N 10. – S. 8-14.
10. Gorbunova T. V. Razvitie proektno-texnologicheskoy kulturi pedagoga v sisteme neprerivnogo obrazovaniya : monografiya // - Kaluga: KGU im. K.E.Tsiolkovskogo, 2010. – s.125 s.42.
11. Greylix N.L. Razvitie informatsionnix kompetentsiy pedagogov obhego obrazovaniya: avtoref. dis... kand. ped. nauk: 13.00.08 // Ekaterinburg, 2010.-18s., s.75- 78
12. Guzeev V.V., Romanovskaya M.B. Sovremennie texnologii professionalnogo obrazovaniya: integrirovannoe proektnoe obuchenie. Ch. 1. //– M.: Izdatelskiy tsentr NOU «ISOM», 2006. – s.48.
13. Derkach A.A. (red.). Psixologiya professionalnoy deyatel'nosti: Lektsii v pomoh prepodavatelyu M.: Izd-vo RAGS, 2004. – 342 s.
14. Ivanov D. A. Kompetentnost – eto znaniya, oznachayuhie umenie deystvovat // Direktor shkoli. - 2009. – N 4. - S. 5-12. str.6.
15. Ismoilova Z.K. Talabalarning kasbiy-pedagogik malakalari usuliyatini shakllantirish. Ped. fan. nomz... diss. –T., 2000, –130 b.
16. Yo'ldoshev J.G', Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. – T.: O'qituvchi, 2004. – 101 b.
17. Kapterev P.F.. Antologiya gumannoy pedagogiki.. – M.:2001. -688 s.
18. Kiva A.A. Didakticheskoe proektirovanie na osnove kompetentnostnogo podxoda: monografiya // M.: Akademiya professionalnogo obrazovaniya, 2005. – 178 s., s. 17.
19. Kozireva O.A. Kompetentnost sovremennogo uchitelya: sovremennaya problema opredeleniya ponyatiya // Standarti i monitoring v obrazovanii. – 2004. – № 2. – s.48.
20. Kuzmina N.V., Rean A.A. Professionalizm pedagogicheskoy deyatel'nosti. – S.-Pb.: S.-PbGU., 1993. -63 s.
21. Kuzmina N.V. Professionalizm lichnosti prepodavatelya i mastera proizvodstvennogo obucheniya. – M.: Visshaya shkola, 2000. – 117 s.; s.47
22. Luk'yanova M.I. Psixologo-pedagogicheskaya kompetentnost uchitelya // Pedagogika. – 2001. – № 10. – s. 56-61.
23. Markova A.K. Psixologiya professionalizma // M.:Prosv.,1996.–192 s.
24. Mitina L.M. Lichnostnoe i professionalnoe razvitie cheloveka v novix cotsialno-ekonomicheskix usloviyax // Voprosi psixologii. – 1997. - № 4. – S. 28-38.
25. Muslimov N.A. Kasb ta'lim o'qituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari: Ped. fan. nom. ... dis. avtor. – Toshkent: TGPU, 2007. – 47s
26. Muslimov N.A., Urazova M. B. Formirovanie professionalnoy kompetentsii buduhix uchiteley posredstvom primeneniya veb-kvest texnologii // Nauchnoe obozrenie. – M., 2014. – № 1. – s. 9 –14.
27. Paxalyuk R.A. Monitoring professionalnix kompetentsiy spetsialistov SPO – Rejim dostupa: www.akvobr.ru/monitoring_professionalnyh_kompetencii_specialistov_spo.html.
28. Raximov V. Innovative Fctivity of Future Teachers as a Condition for Improving Stedents' Motivation for Learning a Foreign Language // V International Forum on Teacher Education. [https://www.re Formation of social competence of primary school children by means of educational subjects. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020 . © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license \(http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/\) DOI: http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.05.42 searchgate.net/publication/337037941 Innovative Activity](https://www.re Formation of social competence of primary school children by means of educational subjects. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020 . © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license (http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/) DOI: http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.05.42 searchgate.net/publication/337037941 Innovative Activity)
29. Sayidahmedov N.S. O'qituvchining pedagogik tizimda tutgan o'rni // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1993. – № 6-7. – B. 9-12.
30. Timiryasova V.G. Slagaemie professionalnoy kompetentnosti prepodavatelya vuza – Kazan: Taligmat, 2001. – 112 s 133
31. Tolipov O'Q. Oliy pedagogik ta'lim tizimida umummehnat va kasbiy ko'nikma hamda malakalarni rivojlantirishning pedagogik texnologiyalari. Monografiya. – T.: Fan, 2004. – 168 b.
32. Xodjiev M. Improving of the technology of cleaning fibrous waste in cotton ginning plants. Science and Beyond Publishing UK. 2017. -№ 2/6. –B. 43-47.

33. Xodjiev M. Fraction Structure of Cotton Cleaning Equipment in Cotton Enterprises and Their Cleaning Effectiveness. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol.6 Issue 1 (2019) –pp.
34. Xutorskoy A.V. Klyuchevie kompetentsii kak komponent lichnostno-orientirovannoy paradigmi obrazovaniya // Uchenik v obnovlyayuheysya shkole. - M.: IOSO RAO, 2002.
35. Xutorskoy A.V. Klyuchevie kompetentsii i obrazovatelnie standarty // Internet-jurnal.
36. Hawkrige D. New Information. Technology in Education. – London: Groom Helm, 1983. – 238 p.
37. G'oziev E. Oliy maktab psixologiyasi. – T.: O'qituvchi, 1996. – 184 b.
38. Elkonin B.D. Ponyatie kompetentnosti s pozitsii razvivayuhogo obucheniya // Sovremennye podxodi k kompetentnostno orientirovannomu obucheniyu. – Krasnoyarsk, 2002.

Муаллифлар:

Ходжиев Муксин Таджиевич - Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.
Эшназаров Дилшод Азаматович - тадқиқотчи.